ГЛОБАЛЛАШУВГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ф.Юлдашева. Глобаллашув ва миллий маънавият.- Андижон: Ҳаёт, 2010.- 210 б.

Глобаллашув энг кўп тилга олинадиган ҳодисалардан бирига айланди. Глобаллашувнинг суръатлари тобора жадаллашиб, у бугунги кунда жаҳон ижтимоий интеграциясининг сифат жиҳатдан янги босқичи сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараёндан ҳеч қайси давлат ёки миллат четда қолаётгани йўқ. Глобаллашув иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий-диний, экологик шаклларда намоён бўлмоқда. Унинг оқибатида келиб чиқаётган муаммоларнинг маълум жиҳатлари барча мамлакатлар ва миллатларнинг ҳаёти, манфаатлари ва мақсадларига алоқадор. Олима Фарида Юлдашеванинг "Глобаллашув ва миллий маънавият" номли монографияси глобаллашув жараёнининг фалсафий таҳлилига бағишланган.

Монографияда глобаллашув табиий ва объектив, тарихий ва тадрижий, узлуксиз ва қонуний, мураккаб, серқирра ва зиддиятли, очиқ ва синергетик, кутилмаган динамика ва тенденцияларга эга бўлган жараён сифатида таҳлил этилади. Муаллиф ўрганилаётган муаммога ўзига хос ёндашган ҳолда унинг илдизлари инсоният тарихида юз берган дастлабки ҳарбий юришлар, ўзаро иқтисодий алоқалар, жаҳон динларининг шаклланиши даврларига бориб тақалишини эътироф этади. Муаллиф фикрича, глобаллашув жамият тарихининг барча даврларида ҳам юз берган, фақат ҳозирги даврга келиб унга турли сиёсий субъектларнинг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда аралашуви натижасида бу жараён сунъийлик хусусиятлари касб этиб бормоқда.

Глобаллашувни ўрганиш, энг аввало, жамият тарихи, келажаги ва истиқболларини ўрганишдир. Жумладан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаб турган ўрнини таҳлил этишда ҳам глобаллашувнинг таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги давр мамлакатимизнинг бошқа ижтимоий субъектлар билан ўзаро алоқаларини гуманизм, тенглик, плюрализм, тенг ҳуқуқли диалог асосида қуриш, глобаллашув шароитида яшаш, миллийликни сақлаб қолиш ва глобаллашувга мослашиб боришнинг зарарсиз, альтернатив ва самарали йўлларини қидириб топишни талаб этади.

Монографиянинг биринчи боби глобаллашув жараёнини ўрганишнинг назарий-услубий муаммоларига бағишланган бўлиб, унда "глобаллашув" тушунчасининг фалсафий таҳлили, Шарқ ва Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурида глобаллашувни ўрганишга бағишланган назариялар ва ушбу масалага ҳозирги даврдаги турли ёндашувлар таҳлил этилган. Ф.Юлдашева глобаллашувнинг моҳияти мураккаб ва зиддиятли эканлиги, уни тизимли ёндашув асосида ўрганиш мақсадга мувофиқлигини эътироф этади.

"Ҳозирги глобаллашувнинг хусусиятлари" деб номланган иккинчи бобда глобаллашув ва цивилизациянинг ўзаро муносабати, бу жараённинг асосий жиҳатлари – интеграция ва модернизация, унинг маданий-аксиологик асослари каби масалаларга тўхталган. Глобаллашувни цивилизациялар муносабатининг натижаси ёки цивилизациялар тўқнашуви сифатида тарғиб этувчи ёндашувлардан фарқ қилган ҳолда, Ф.Юлдашева цивилизацияни инсоният тарихининг глобаллашиб бориши оқибатида юзага келган ҳодиса сифатида қарайди. Муаллиф ҳар қандай цивилизациянинг асосида дин, ахлоқ, маданият, маънавият, фан, санъат туришини ва бу ҳодисалар фақат ижобий потенциалга эгалиги сабабли ҳам цивилизациялар тўқнашувга учрамаслигини исботлашга интилади. Унинг фикрича, ҳатто Европа тарихига "юз йиллик уруш" номи билан кирган уруш ҳам цивилизациялар ўртасида эмас, сиёсий субъектларнинг фаолияти натижасида юз берган.

Глобаллашув интеграция ва модернизациясиз юз бермайди. Монографияда глобаллашув интеграциянинг юқори босқичи, модернизация эса ба жараённи амалга ошиш усули сифатида таҳлил этилган. Бу маънода интеграцияга кўпроқ табиийлик хослиги, интеграция ва модернизация инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам маҳаллий шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда амалга ошганлиги айтиб ўтилган.

Учинчи боб фалсафий адабиётларда кам тадқиқ этилган глобал онгнинг шаклланиши ва моҳияти масалаларига бағишланган бўлиб, бу бобда глобал онгнинг хусусиятлари, оммавий маданиятнинг кириб келиши ва оқибатлари, унинг натижасида айрим ҳолларда “инсон-омма”нинг шаклланиши каби муаммолар кўтарилган. Муаллиф глобал маданиятнинг салбий жиҳатларинигина эмас, ижобий жиҳатларини ҳам инкор этмаслик зарурлигини айтиб, глобал маданиятга ҳар хилликнинг бир хиллиги сифатида ёндашади ва бундай маданият турли маданий элементларни ўз ичига олиши сабабли ҳам унинг мазмуни бойроқ эканлигини таъкидлайди.

Тўртинчи боб “Глобаллашув ва маънавият” деб номланади. Унда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга мос равишда жамиятнинг маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш жараёни ҳам ўтиш даврининг қийинчиликлари, ҳам глобаллашув олиб келаётган мураккабликлар шароитида амалга бораётганлиги, бундай шароитда маънавият тизими элементларининг ҳам ўзгариши масалалари ёритилган. Глобаллашувга мослашишнинг йўлларидан бири, Ф.Юлдашеванинг айтишича, миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлашган асослари ва миллий ғояга таянади.

Глобаллашув очиқ ва синергетик жараён. Шу сабабли ҳам у мамлакатнинг тобора эркинлашиб боришига хизмат қилувчи умуминсоний демократик қадриятларни олиб келиши табиий. Тўғри йўл эса миллий ғоя, миллий қадриятларга таяниш ва уларни илғор умуминсоний ва демократик қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда миллий ўзликни англаш орқали глобаллашув жараёнига мослашиб боришдан иборат. Бу йўлда глобаллашувни тўла қабул қилиш ҳам, ундан бутунлай қочиш ҳам бирдек нотўғри. Муаллифнинг таъкидлашича, глобаллашув олиб келаётган барча прогрессив ҳодисалардан мамлакатимиз равнақи йўлида фойдаланиш, зарур бўлганда бу жараённинг айрим жиҳатларига мослашиш, миллий манфаатларимизга зид келувчи жиҳатларига эса қарши курашиш орқали бу жараёнга мослашиб бориш мумкин. Уни тўла қабул қилиш Ўзбекистоннинг этностатусига зарар келтирса, уни бутунлай инкор қилиш мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли субъект сифатида кириб боришини қийинлаштиради. Демак, глобаллашувнинг натижаларини миллий манфаатларимизга бўйсундириш ва унинг прогрессив жиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, миллий маънавий ҳаётимизга зид келувчи ва миллий қадриятларимизни издан чиқарувчи ташқаридан зўрлаб киритилаётган ҳар қандай ҳодисаларга қарши курашиш зарур.

Монографияда акс этган фикрлардан кўриниб турибдики, тадқиқотни амалга оширишда Ф.Юлдашева миллий ва жаҳон фалсафаси тарихида яратилган кўплаб асарлардан, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг глобаллашувга оид фикрларидан, ўзбек олимларининг ҳозирги даврда бу соҳада амалга ошираётган кўплаб тадқиқотларидан, шунингдек, чет эл олимларининг ишларидан кенг фойдаланган. Ф.Юлдашеванинг ушбу монографияси глобаллашув жараёнини ўрганиш борасидаги янгича ёндашув сифатида эътироф этилиши мумкин.

Т.Ортиқов фалсафа фанлари доктори, профессор,
Б.Расулов тарих фанлари номзоди, доцент